

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРЛАПАСОВ НАРЗИҚУЛ БАХРАМОВИЧ**

**ТОҒ ДАРЁЛАРИНИНГ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ҲИСОБИГА  
ТЎЙИНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Эрлапасов Нарзикул Бахрамович**

Тоғ дарёларининг ер ости сувлари ҳисобига тўйиниши хусусиятлари.....

**Эрлапасов Нарзикул Бахрамович**

Особенности питания горных рек за счёт подземных вод.....

**Erlapasov Narzikul**

Features of feeding mountain rivers due to groundwater.....

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРЛАПАСОВ НАРЗИҚУЛ БАХРАМОВИЧ**

**ТОҒ ДАРЁЛАРИНИНГ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ҲИСОБИГА  
ТЎЙИНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Gr156 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.hydromet.uz](http://www.hydromet.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳикматов Фазлиддин**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чембарисов Эльмир Исмаилович**  
география фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Ботиржон Дадажонович**  
геология-минералогия фанлари доктори,  
профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319; E-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.М.Холматжанов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

**Б.Э.Нишонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**Х.Т.Эгамбердиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, г.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда жаҳонда, айниқса унинг арид ҳудудларида, иқлим ўзгариши натижасида, сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучлироқ сезилмоқда. Бу борада БМТнинг Бутунжаҳон маърузасида «Дунёнинг кўплаб минтақаларида асосий сув ресурслари - ер ости сувлари ва сувли қатламларидир, уларнинг заҳиралари аксарият ҳолларда ер усти сув ҳавзаларидагига нисбатан бир неча марта кўп бўлади. Бундан ташқари, ер ости сувлари, ер усти сувларига нисбатан, мавсумий ва йилараро иқлимий тебранишлардан яхшигина ҳимояланган бўлиб, тасодифий хавфлар таъсирига кам берилувчандир»<sup>1</sup>, деб таъкидланган. Бу ҳолат тоғ дарёлари оқими ҳосил бўлиши механизмини ер ости сувларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этишни ва улар оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Дунё миқёсида ушбу йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, дарёларнинг тўйиниш манбаларини генезиси бўйича таҳлил қилиш, иқлим ўзгариши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, дунёда тоғ дарёларининг тўйинишида муҳим роль ўйнайдиган атмосфера ёғинлари, музликлар ва ер ости сувларининг оқим ҳосил бўлишига қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш масалалари кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтирмоқда. Ушбу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, дарёлар сув ресурсларини инсон манфаатлари йўлида яқин ва узоқ келажак учун аниқ баҳолаш ҳамда прогнозлаш имконини беради ва шу туфайли, мазкур масала бугунги кунда ўта **долзарб** ҳисобланади.

Республикамизда келажак истиқболда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш тизимини ривожлантириш ва модернизациялашга доир комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш – мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармонида «сув ресурсларини прогнозлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллантиришни таъминлаш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда шаклландиган тоғ дарёлари гидрологик режимини ўрганиш, уларнинг ер ости сувларидан тўйинишини миқдорий баҳолаш масалаларига қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2020 г. **Водные ресурсы и изменение климата.** [www.unesco.org/water/wwap](http://www.unesco.org/water/wwap).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон фармони. <https://Lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш ... чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5853-сон, 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон фармонлари, 2017 йил 4-майдаги «2017-2021-йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2954-сон, 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф - муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дарёлар оқимининг ҳосил бўлиши ва уларга ер ости сувларининг кўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш масалаларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар билан Thomas C. Winter, Judson W. Harvey, O. Lehn Franke, William M. Alley каби хорижлик олимлар шуғулланганлар.

Собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан М.И.Львович, Ф.А.Макаренко, К.П.Воскресенский, Б.И.Куделин, М.Н.Большаков, Е.М.Козик, Г.П.Калинин, Т.С.Абальян, О.В.Попов, А.З.Амусья, Н.С.Ратнер, А.Т.Ильясов, А.Н.Важнов кабиларнинг тадқиқотлари дарёларнинг тўйиниши жараёни, улар оқимининг генезиси бўйича таҳлили, турли тўйиниш манбаларини миқдорий баҳолаш натижаларидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида, жумладан, сув хўжалиги ва гидроэнергетикада фойдаланиш масалаларини ўрганишга қаратилган.

Ўзбекистонда дарёларнинг тўйиниши билан боғлиқ илк тадқиқотлар Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давыдов томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик мазкур масала билан В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, З.В.Джоржио ва бошқалар шуғулланганлар. Ҳозирги кунда мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, С.В.Мягков, Б.Д.Абдуллаев, Т.А.Аҳмедова, Ф.Я.Артикова, Б.Е.Аденбаев, Ғ.Х.Юнусов, Д.В.Назаралиев, Ғ.У.Юсупов, Ф.А.Гаппаров, К.Р.Рахмонов, С.А.Хайдаров, Д.М.Турғунов ва бошқалар томонидан давом эттирилмоқда.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг изланишларида тоғ дарёларининг ер ости сувлари ҳисобига тўйиниши масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Мазкур диссертация иши

тўйинишига кўра турли типларга мансуб бўлган дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниши хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилганлиги билан юқорида келтирилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф5-13 – «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзуидаги фундаментал ҳамда Uzb-Ind-2021-89 «Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қурғоқчил ва ярим қурғоқчил дарёлари ҳавзаларида сув тақчиллиги ҳамда қурғоқчиликка тўғонлар ва иқлим ўзгариши таъсирини баҳолаш» (2021-2023 йй.) мавзуидаги халқаро тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тўйинишига кўра турли типларга мансуб бўлган тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш ва уларнинг мазкур манбадан тўйиниши хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниши ҳақидаги илмий-назарий қарашларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши босқичларини асослаш ва ҳозирги ҳолатини баҳолаш;

тоғ дарёлари оқимининг йил давомида ойлар, йил фасллари ҳамда сув режими фазалари бўйича тақсимланишини ҳисоблаш ва уларнинг йиллараро ўзгарувчанлигини тўйиниш манбаларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш;

дарёларнинг йиллик оқимига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини баҳолаш усулини такомиллаштириш ва уларни абсолют ҳамда нисбий қийматларда баҳолаш;

дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффицентини ҳисоблаш ва унинг Шульц ҳамда вариация коэффицентлари билан боғлиқлигини ўрганиш;

тоғ дарёларининг ер ости сувлари ҳисобига ҳосил бўлган оқими миқдорлари билан уларнинг шаклланишига таъсир этувчи иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ва унга туташ тоғли худудларда шаклланидиган, табиий гидрологик режимли, тўйинишига кўра турли типларга мансуб бўлган тоғ дарёлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** музлик, қор ва ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўладиган тоғ дарёларининг ер ости сувларидан тўйиниши хусусиятларини ўрганиш, улар оқимининг шаклланишида ер ости сувлари иштирокини миқдорий баҳолаш масалалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, гидрологик ўхшашлик, географик умумлаштириш, математик статистика, шунингдек, гидрометеорологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишларни баҳолашда корреляцион ҳамда

регрессион таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

- тўйиниш манбалари турлича (қор-ёмғир, қор, қор-музлик ва музлик-қор сувлари) бўлган дарёларнинг йиллик оқимиغا ер ости сувларининг қўшган ҳиссалари абсолют ( $m^3$ ,  $km^3$ ) ва нисбий (%) қийматларда баҳоланган;

- дарёларнинг, сув режими фазаларининг кам сувли, тошқин ва тўлинсув даврларида, ер ости сувларидан тўйиниши хусусиятлари (тўла, қисман) аниқланган;

- музлик-қор ва қор-музликлардан тўйинувчи дарёлар оқимиغا ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини баҳолаш усули такомиллаштирилган ва унинг компьютер технологияларини қўллаш асосида бажариладиган графо-аналитик усули таклиф этилган;

- дарёларнинг характерли (кам, ўртача, кўп сувли) йиллардаги оқимиغا ер ости сувлари қўшган ҳиссаларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари -  $H_{\text{ўрт}}$ га боғлиқлиги аниқланган, ушбу боғланишларнинг регрессия тенгламалари тавсия этилган;

- дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффициентлари ( $\eta$ ) ББИД ва ЖИДлар учун аниқланган ҳамда уларнинг Шульц коэффициенти ( $\delta$ ), вариация коэффициенти ( $C_v$ ) билан боғлиқлиги статистик баҳоланган;

- дарёларнинг ер ости сувларидан шаклланган оқими миқдорлари билан иқлимий омиллар ( $t$ ,  $^{\circ}C$ ;  $X$ , мм) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган, уларнинг эмпирик тенгламалари тузилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тоғ дарёлари тўйиниш манбаларининг миқдорий қийматлари охириги ўн йилликларда кузатилган гидрологик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

дарёлар оқимининг йиллараро ўзгарувчанлиги ва йил давомида ойлар, фасллар, сув режими фазалари бўйича тақсимланиши баҳоланган, уларнинг тўйиниш манбаларига боғлиқлиги кўрсатиб берилган;

дарёларнинг ер ости сувларидан тўйинишини миқдорий баҳолашга оид ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган, уларни компьютерда бажаришнинг графо-аналитик усули ишлаб чиқилган;

дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффициенти ( $\eta$ ) ни Шульц ( $\delta$ ) ҳамда вариация ( $C_v$ ) коэффициентларига боғлиқ ҳолда аниқлаш имконини берадиган регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган;

дарёларнинг йиллик оқимиغا ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати маълумотлари асосида миқдорий баҳолашнинг кўп ҳадли тенгламалари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида, дарёларнинг тўйиниши хусусиятларини ўрганишда, Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази – Ўзгидромет тизимида ягона усулда амалга оширилган стандарт гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан бирламчи манба сифатида фойдаланилганлиги, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда муаллифнинг

диссертация мавзуи доирасида амалга оширган дала тадқиқотлари ва кузатишлари материаллари билан тўлдирилганлиги, шунингдек, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришда умумий қабул қилинган ва ҳозирги кунда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти – ГМИТИ, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти – ИСМИТИ каби тармоқ илмий тадқиқот институтларида синовдан ўтган таҳлил усулларининг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг бошқа муаллифларнинг шу йўналишда олган маълумотлари билан мослиги ва уларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда олинган асосий илмий хулосалардан, хусусан, дарёлар оқимига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолашнинг муаллиф томонидан такомиллаштирилган усулининг назарий асосларидан келажакда тўйиниш манбаларига кўра турлича типга мансуб бўлган, бошқа аналог ҳудудлардаги тоғ дарёларининг ер ости сувларидан тўйиниши хусусиятларини тадқиқ этишда, шунингдек, мазкур жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда амалга ошириладиган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлаш усулларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда муаллиф томонидан тақдим этилган тавсиялар, такомиллаштирилган усуллар ва қўлланилган ёндашувлардан Ўзбекистон ва унга туташ бўлган тоғли ҳудудларда шаклландиган дарёларнинг ер ости сувларидан тўйинишига таъсир этувчи асосий гидрометеорологик омилларни аниқлашга, характерли сувли йилларда дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига тўйинишини миқдорий баҳолашга, кам сувли йилларда сув таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, ишда қўлланилган услубий ёндашувлар ва тадқиқот материалларининг Республика олий таълим тизимининг сув хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларига тегишли йўналишлари ҳамда мутахассисликларида махсус фанларни ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тоғ дарёларининг ер ости сувлари ҳисобига тўйиниши хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўйиниш манбалари турлича (қор-ёмғир, қор, қор-музлик ва музлик-қор сувлари) бўлган дарёлар оқимига ер ости сувлари қўшган ҳиссаларининг миқдорий қийматларидан “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласининг “Ер усти сувлари” бўлимидаги “Дарёларнинг тўйиниш манбалари”, “Дарёларнинг ўртача кўп йиллик оқими” карталарини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 19 февралдаги 02-10-738-сон маълумотномаси). Натижада, дарёларнинг турли сув режими фазалари (тошқин, тўлинсув, кам сувли) сув ресурсларини янада аниқ баҳолашнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

сув режими фазаларининг кам сувли, тошқин ва тўлинсув даврларида дарёларнинг ер ости сувларидан тўла ёки қисман тўйинишини аниқлаш имконини берадиган миқдорий қийматларидан “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласининг “Ер усти сувлари” бўлимидаги “Дарёларнинг ўртача ойлик минимал оқими” картасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 19 февралдаги 02-10-738-сон маълумотномаси). Натижада, дарёларнинг тўйинишида ер ости сувлари устувор бўлган, яъни межен даври оқимини миқдорий баҳолашда талаб этиладиган гидрологик ҳисоблашларни тезкор амалга ошириш имконияти яратилган.

музлик-қор ва қор-музликлардан тўйинувчи дарёлар оқимида ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини баҳолашнинг графо-аналитик усулидан Ўзгидрометда шу типдаги дарёлар йиллик оқимида ер ости сувларининг қўшган улушларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 2 мартдаги 01-15/229-сон маълумотномаси). Натижада, дарёлар ҳавзалари ер ости сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар режаларига аниқлик киритилган;

дарёларнинг характерли (кам, ўртача, кўп сувли) йиллардаги оқимида ер ости сувлари қўшган ҳиссаларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламаларидан Ўзгидрометда сувлилик даражаси турлича бўлган йилларда дарёлар оқимида ер ости сувлари қўшиши мумкин бўлган ҳиссаларини аниқлашда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 2 мартдаги 01-15/229-сон маълумотномаси). Натижада, кам, ўртача ва кўп сувли йилларда дарёлар оқимида ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини тез ва аниқ баҳолашнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффициентининг ББИД ва ЖИДлар учун аниқланган қийматлари билан Шульц ( $\delta$ ), вариация ( $C_V$ ) коэффициентлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи тенгламалардан Ўзгидрометда дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффициентини стандарт гидрологик параметрлар ( $\delta$  ва  $C_V$ ) ёрдамида аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 2 мартдаги 01-15/229-сон маълумотномаси). Натижада, дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффициентини стандарт гидрологик кўрсаткичлар асосида оператив баҳолаш имконияти яратилган;

дарёларнинг ер ости сувларидан шаклланган оқими миқдорлари билан иқлимий омиллар ( $t$ ,  $^{\circ}\text{C}$ ;  $X$ , мм) орасидаги кўп ҳадли боғланишларнинг статистик таҳлиллар асосида олинган эмпирик тенгламаларидан Ўзгидрометда дарёларнинг ёзги-кузги ва қишки кам сувли, яъни межен даврларида шаклланиши мумкин бўлган оқими миқдорларини аниқлашда

амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 2 мартдаги 01-15/229-сон маълумотномаси). Натижада, дарёларда кам сувли, яъни межен даврларида ер ости сувларидан шаклланадиган оқими миқдорларини ҳисоблаш ҳамда прогнозлашнинг кўшимча имкониятлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шулардан 3 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги таъкидланган, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги кўрсатилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Ер ости сувлари ва уларнинг дарёларнинг тўйинишидаги аҳамияти»** деб номланган. Унда асосий эътибор, диссертация мавзуи доирасига тегишли бўлган илмий манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлили асосида, дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниши ҳақидаги илк илмий қарашларнинг шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати тавсифига қаратилган. Ушбу бобнинг кейинги бўлимларида ер ости сувларининг ҳосил бўлиш механизми, шунингдек, мазкур жараёнга таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар кўриб чиқилган. Мазкур боб якунида Ўрта Осиё тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида ер ости сувларининг аҳамияти ҳақидаги масалалар ёритилган.

Диссертацияда, дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниши ҳақидаги илк илмий қарашлар, тасаввурларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати масалалари беш босқичга бўлиб ўрганилган. Дастлабки уч босқич янги эрадан олдинги 8 асрлардан то янги эранинг 15 асригача бўлган шаклланиш даврини қамраб олган бўлса, тўртинчи босқич (XVI-XIX асрлар) ривожланиш даврини, бешинчи босқич эса, XX аср бошларидан ҳозирги

кунгача бўлган даврни, яъни муаммонинг ҳозирги ҳолатини ифодалайди. Хусусан, бешинчи боскичда ер ости сувларининг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий фаразлар яратилган, дарёларнинг ер ости сувларидан тўйинишини миқдорий баҳолаш усуллари таклиф этилган ва улар гидрологик ҳисоблашлар амалиётида кенг қўлланилган.

Тадқиқотда ер ости сувларининг ҳосил бўлиши жараёнлари, уларга дарёлар хавзаларининг геологик тузилиши, рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами каби табиий омилларнинг таъсири масалалари ҳам ёритилган. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши, яъни генезиси ҳақидаги илмий фаразлар, жумладан, Э.Зюснинг ювенил, А.Ф.Лебедевнинг конденсацион назариялари, шунингдек, инфильтрация (сизиб ўтиш) ва реликт ер ости сувлари ҳосил бўлиши назарияларининг асосий мазмуни ва моҳияти очиб берилган. Ҳозирги кунда илмий нуқтаи-назардан асосланган ва, шу туфайли мутахассислар томонидан қабул қилинган назариялар асосида, ер ости сувларининг генезиси бўйича ҳамда жойлашиш ўрнига кўра умумлашма таснифи тузилган (1-расм).



1-расм. Ер ости сувларининг генезиси ва жойлашиш ўрнига кўра турлари

Ўзбекистон ва унга туташ қўшни мамлакатларда ҳозирги кунда юзага келган сув муаммосини ҳал қилишда ер ости сувлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, дарёлар сув режими фазаларининг кам сувли даврида ҳосил бўладиган оқимининг асосий қисми ер ости сувлари ҳисобига тўғри келади. Ишда, илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, ер ости сувлари захирасининг дарёлар сувларидан бир неча марта кўп эканлиги кўрсатиб берилган.


Диссертацияда, ер ости сувларидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришда, чорвачиликда, маиший-коммунал хизматда, саноатнинг турли соҳаларида, тиббиётда ва бошқа йўналишларда фойдаланилиши масалалари ҳам ёритилган. Умуман олганда, тадқиқотда ер ости сувларининг ер усти сувларига нисбатан, мавсумий ва йиллараро иқлимий тебранишлардан яхшигина химояланганлиги, шу туфайли, тасодифий хавфлар таъсирига кам берилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг

келажакда инсон ҳаёт фаолиятидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертация ишининг «Тоғ дарёлари гидрологик режимининг тўйиниш манбаларига боғлиқлиги» деб номланган 2-бобда, дастлаб, тўйиниш манбаларига кўра турли типларга мансуб бўлган тоғ дарёларининг асосий гидрологик кўрсаткичлари аниқланган. Сўнг, дарёлар оқимининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги хусусиятлари тадқиқ этилиб, уларнинг миқдорий ва сонли кўрсаткичлари статистик баҳоланган. Бобнинг якунида дарёлар оқимининг йил давомида ойлар, сув режимининг турли фазалири ва фасллар бўйича тақсимланиши масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотда тўйинишига кўра турли типларга кирувчи тоғ дарёларининг оқим кўрсаткичлари биринчи базавий иқлимий давр (ББИД) ҳамда жорий иқлимий давр (ЖИД)лар учун ҳисобланган. Ҳисоблашлар натижарига кўра, Амударё ҳавзаси дарёларининг барчасида оқим миқдорларининг қийматлари ЖИДда ББИДдагига нисбатан 2÷27% ораликда ортган. Ушбу кўрсаткичлар Сирдарё ҳавзаси дарёларида 17÷20% ни ташкил қилган.

Диссертацияда дарёлар оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентлари ( $C_v$ ) юқорида қайд этилган ҳар икки иқлимий даврлар учун статистик баҳоланган. Улар қийматларининг ўзгариш оралиқлари Амударё ва Сирдарё ҳавзалари дарёларида, мос равишда, ББИДда 0,15÷1,19 ва 0,12÷0,43 ни, ЖИДда 0,09÷0,77 ва 0,14÷0,40 ни ташкил этган. Ушбу статистик кўрсаткичнинг дарёлар ҳавзаларининг ўртача баландликлари ( $H_{\text{ўрт}}$ )га боғлиқлиги ўрганилган. Ҳисоблашлар натижаларининг таҳлили, дарёлар ҳавзаларининг ўртача баландликлари ( $H_{\text{ўрт}}$ ) ортиб бориши билан ўзгарувчанлик коэффициенти қийматларининг камайиб боришини кўрсатган. Ушбу боғланишнинг корреляция коэффициенти ББИДда Амударё ҳавзасида  $r=0,798$  га, Сирдарё ҳавзасида  $r=0,728$  га тенг бўлган. ЖИДда эса Амударё ҳавзасида  $r=0,731$  ни, Сирдарё ҳавзасида  $r=0,704$  ни ташкил қилган (2-расм).



2-расм. Дарёлар оқими вариация коэффициентларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқлиги

Тадқиқотда дарёлар ўзгарувчанлик коэффициентларининг тадқиқотчи томонидан аниқланган қийматлари, уларнинг турли муаллифлар томонидан, турли ҳисоб даврлари учун олинган қийматлари билан ўзаро солиштирилган. Таққослаш натижалари улар орасидаги фарқларнинг катта эмаслигини кўрсатган.

Бобнинг якунида дарёлар оқимининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги ва йил давомида тақсимланиши масалалари ҳар икки ҳисоб

иқлимий даврлари учун ўрганилган. Дарёлар йиллик оқими билан метеорологик омиллар, жумладан, ёзги ҳаво ҳарорати ҳамда йиллик атмосфера ёғинлари тебранишларининг ўзаро мослиги ҳам махсус графикларда, ҳам физик-статистик таҳлиллар асосида кўрсатилган.

Диссертациянинг **учинчи боби «Дарёларнинг тўйинишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш»** деб номланган. Шу мақсадда, дастлаб дарёларнинг тўйиниши ва уларни тадқиқ этишнинг айрим назарий масалалари ёритилган. Ишнинг кейинги босқичида дарёлар йиллик оқимига турли манбаларнинг қўшган ҳиссаларини баҳолаш мақсадида оқим гидрографини вертикал бўлақларга ажратишнинг таниқли гидролог олимлар томонидан таклиф этилган усуллари ва уларни амалиётда қўлаш имкониятлари кўриб чиқилган. Мазкур боб якунида, дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига тўйинишини миқдорий баҳолашнинг ушбу усуллари ва уларни такомиллаштиришнинг янги имкониятлари аниқланган. Натижада, дарёларнинг ер ости сувларидан тўйинишини миқдорий баҳолашнинг графо-аналитик усули ишлаб чиқилган.


Диссертацияда дарёларнинг турли манбалардан тўйиниши жараёнини тадқиқ этишнинг айрим илмий-назарий масалалари ёритилган. Жумладан, XX асрнинг биринчи чорагида А.И.Воейков, В.Г.Глушков, Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давидов ва бошқалар дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш усулларини таклиф этганлар. Кейинчалик, яъни 40-йиллардан бошлаб эса М.И.Львович, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, М.Н.Большаков каби олимлар томонидан дарёларнинг тўйиниш манбаларини миқдорий баҳолашнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда дарёлар йиллик оқими гидрографини вертикал бўлақларга ажратишнинг олимлар томонидан таклиф этилган турли усуллари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидлаш лозимки, дарёларнинг тўйиниш манбаларини миқдорий баҳолашнинг мазкур усули илк бор В.Г.Глушков томонидан ишлаб чиқилган. Бу усул кейинчалик, Ўрта Осиё тоғ дарёлари мисолида, В.Л.Шульц ва О.П.Шегловалар томонидан такомиллаштирилган. Хусусан, В.Л.Шульц дарё оқими гидрографининг асосини ташкил этадиган ва миқдори вақт ичида кам ўзгарадиган қисмини ер ости сувлари ҳисобига киритган (3-расм).

Мазкур бобда, базис оқимни аниқлаш мақсадида, дарёлар оқими гидрографини, вертикал бўлақларга ажратишнинг гидрогеологик ёндашувлари ҳам таҳлил қилинган. Бундай ёндашувлар таниқли гидрогеолог олимлар томонидан амалга оширилган бўлиб, уларга Ф.А.Макаренко, Б.И.Куделин, О.В.Попов, А.З.Амусья, Н.С.Ратнер ва бошқалар таклиф этган усуллари киритиш мумкин.

Диссертацияда дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига тўйинишини миқдорий баҳолашнинг юқорида келтирилган усуллари такомиллаштирилган. Бунда, Шульц таснифига кўра, музлик-қор ва қор-музликлар сувларидан тўйинадиган дарёларнинг кузги, қишки ва эрта баҳорги межень даврларидаги оқимининг, асосан, ер ости сувларидан ҳосил

бўлиши ҳисобга олинган. Ушбу гидрологик жараён ишда қўйилган масаланинг ечимини аниқлашни осонлаштирган. Натижада, музлик-қор ва қор-музликлар типига мансуб бўлган дарёларнинг тўйинишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини баҳолашнинг графо-аналитик усули ишлаб чиқилган. Мазкур усул ишда Зарафшон (Дупули) дарёси мисолида апробациядан ўтказилган.






3-расм. Гидрографда базис оқимни В.Л.Шульц усулида аниқлаш  
(Халқажар – Бозоржой, 2010 йил)

Диссертациянинг **4-боби «Тўйинишига кўра турли типдаги дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш»** деб номланган. Унинг дастлабки параграфида дарёларни тўйинишига кўра турли типларга ажратиш имконини берадиган мезонлар, жумладан, Шульц коэффициенти ( $\delta$ ), июль-сентябрь ойларидаги оқим ҳажми ( $W_{VII-IX}$ , фоизда), йиллик оқимнинг энг катта қисми оқиб ўтадиган ойлар, янги гидрологик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, аниқланган. Бобнинг кейинги бўлимларида барча типдаги дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссалари миқдорий баҳоланган. Бобнинг якунловчи параграфида, дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувлари қўшган ҳиссаларининг миқдорий қийматлари ва уларнинг таҳлиллари натижалари келтирилган.

Дарёларни, тўйинишига кўра турли типларга ажратиш учун В.Л.Шульц таклиф этган мезонларнинг сонли ва миқдорий қийматларининг ўзгаришлари аниқланган. Шу мақсадда, бажарилиши лозим бўлган барча турдаги ҳисоблашлар ББИД (1961-1990 йй.) ҳамда ЖИД (1991-2019 йй.)лар учун амалга оширилган. Уларнинг натижалари дастлаб ўзаро, сўнг бу борада илгари В.Л.Шульц, А.И.Хон ва В.Е.Чублар томонидан бажарилган тадқиқотлар натижалари билан таққосланган. Таҳлиллар, Шеробод (Дарбанд) ва Зарафшон (Дупули) дарёларини ҳисобга олмаганда,  $\delta$  нинг катта қийматларда ўзгармаганлигини кўрсатди.

Диссертацияда турли типдаги дарёларнинг йиллик оқимига ер ости сувларининг қўшган ҳиссалари абсолют ва нисбий қийматларда баҳоланган. Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимига ер ости сувларининг кам сувли йилларда қўшган ҳиссаси ўртача 40,6% га, кўп сувли йилларда 31,0% га, ўртача сувли йилларда эса 35,9% га тенг бўлган. Қор-музлик сувларидан тўйинувчи дарёларда бу қийматлар, мос равишда, ўртача 33,5%,



37,2%, 49,9% ни ташкил этган (4-расм).



Ўртача сувли йиллар

4-расм. ББИД ҳамда ЖИДларнинг характерли сувли йилларида дарёлар оқимиغا ер ости сувларининг кўшган ҳиссалари.  
 МҚ – музлик-қор, ҚМ – қор-музлик, Қ – қор,  
 ҚЁ – қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар

Қор сувларидан тўйинадиган дарёларда ер ости сувларининг йиллик оқимга кўшган ҳиссалари кўп сувли йилларда 28,7÷46,1%, ўртача сувли йилларда 31,1÷54,8%, кам сувли йилларда эса 47,7÷64,1% ораликларда ўзгарган. Қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи типга мансуб бўлган дарёларда ер ости сувларининг ҳиссаси кўп сувли йилларда 28÷43,6%, ўртача сувли йилларда 35,2÷47,8% ва кам сувли йилларда эса 46,4÷50,5% ни ташкил этган.




5-расм. Дарёлар оқимиغا ер ости сувлари кўшган ҳиссалари (%)нинг улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқлиги

Дарёларнинг йиллик оқимиغا ер ости сувларининг кўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш натижалари ББИД ҳамда ЖИДларнинг характерли йиллари мисолида таҳлил қилинган. Ҳар икки ҳисоб даврларининг кўп сувли йилларида дарёлар оқимиغا ер ости сувлари кўшган ҳиссаларининг қор сувларидан тўйинадиган дарёларда энг катта (34,3% ва 38,6%) қийматларга эга бўлиши аниқланган. Ер ости сувларининг дарёлар йиллик оқимиغا


қўшган ҳиссаларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқлиги аниқланган. Ушбу боғланишларнинг регрессия тенгламалари олинган ва уларнинг аниқлиги статистик баҳоланган (5-расм).

Диссертациянинг сўнгги **5-боби «Дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига ҳосил бўлган оқими миқдорларининг иқлимий омилларга боғлиқлиги»** деб номланган. Ушбу бобда, дастлаб, тоғ дарёларининг ер ости сувларидан тўйинишни ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган «ер ости сувларидан тўйиниш коэффициенти» ( $\eta$ )нинг қийматлари ҳисобланган. Сўнг, дарёларнинг ер ости сувларидан ҳосил бўлган оқими миқдорларининг атмосфера ёғинларига боғлиқлиги масаласи ўрганилган. Бобнинг якунида, дарёларнинг ер ости сувларидан ҳосил бўлган оқимига атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг биргаликдаги таъсири статистик баҳоланган. Ушбу боғланишларни ифодаловчи регрессия тенгламаларининг амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффицентларининг О.П.Шеглова ифодаси ёрдамида ҳисобланган қийматлари ББИДда  $\eta=0,076\div 0,536$ , ЖИДда эса  $\eta=0,083\div 0,316$  ораликларда ўзгарган. Мазкур коэффицентнинг ҳар бир дарё учун аниқланган Шульц коэффициенти ( $\delta$ ) ҳамда вариация коэффицентлари ( $C_v$ ) билан боғлиқлиги статистик баҳоланган. Ушбу боғланишлар зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффицентлари ва улар хатоликларининг, мос равишда,  $r=0,790\pm 0,091$  ва  $r=0,800\pm 0,085$  қийматларга тенглиги аниқланган (6- ва 7 - расмлар).



6-расм. Дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффицентлари ( $\eta$ ) билан Шульц коэффицентлари ( $\delta$ ) орасидаги боғланиш графиги




7-расм. Дарёларнинг ер ости сувларидан тўйиниш коэффицентларининг вариация коэффицентлари ( $C_v$ )га боғлиқлиги

Кўп сувли ҳамда ўртача сувли йилларда ер ости сувларининг дарёлар оқимига қўшган нисбий ҳиссаларининг тўйиниш коэффицентлари ( $\eta$ )га боғлиқлиги статистик баҳоланган. Ушбу боғланишларни ифодаловчи регрессия тенгламалари олинган. Уларнинг ўртача сувли йиллар учун ҳисобланган корреляция коэффицентлари  $r=0,971\pm 0,015$  га, кўп сувли йиллар учун эса  $r=0,880\pm 0,062$  га тенг бўлган (8-расм).

Кўришиб турибдики, ушбу боғланишларнинг аниқлиги гидрологик ҳисоблашлар талабларига тўла жавоб беради. Натижада, тўйиниш коэффицентларини стандарт гидрологик маълумотлар негизида ҳисоблаш ҳамда унинг қийматлари асосида эса, дарёларнинг тўйинишига ер ости

сувларининг қўшган ҳиссаларини характерли сувли йиллар учун аниқлаш имконияти яратилган.



8-расм. Дарёлар оқимига ер ости сувлари қўшган ҳиссалари( $\Delta W_{\text{eoc}}$ )нинг тўйиниш коэффициенти( $\eta$ )га боғлиқлиги

